

“КАТТАҚЎРҒОН ЁҒ-МОЙ”
акциядорлик жамиятининг кузатув
кенгашини 2018 йил “ ” НОЯБРдаги
йиғилишида

“маъқулланган”

“КАТТАҚЎРҒОН ЁҒ-МОЙ” **акциядорлик**
жамиятининг 2019 йил учун

БИЗНЕС РЕЖАСИ

Каттақўрғон шахри
2018 йил

К и р и ш

К И Р И Ш

1. "Каттакўрғон ёғ-мой" акциядорлик жамияти тўғрисида маълумот.

Корхонанинг тўлиқ номи: "Каттакўрғон ёғ-мой" акциядорлик жамияти.

Манзилгоҳи: Каттакўрғон шаҳар, Давлатобод кўчаси, 121-уй.

Банк реквизитлари: ХЕАТБ "ORIENT FINANS" банк Самарқанд филиали.

ИНН 200720966

I. 2019 йилда "Каттакўрғон ёғ-мой" акциядорлик жамиятини ривожлантириш учун ўз олдига қўйган мақсад ва режалар.

2019 йилда жамият фаолиятидаги асосий мақсади республика аҳолисини ёғ-мой маҳсулотга бўлган талаб ва эҳтиёжларини қондириш, бозорини рақобатдош, сифатли халқ истеъмол моллари билан тўлдиришдан иборат. Корхонамизнинг асл мақсади ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини яхшилаш, янги замонавий технологияларни жорий этиш, маҳсулот ассортиментини кенгайтириш, янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йулга қўйиш, ноанъанавий донлардан ёғ ишлаб чиқаришни қўпайтириш, хўжалик совуни, гудрондан қурилиш битуми ишлаб чиқариш ва гудрон маҳсулотларини экспорт қилиш, маҳсулот сифатини янада яхшилаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва ҳаётга тадбиқ этиш.

2019 йилда корхонамизнинг асосий хом-ашё базаси Самарқанд вилоят пахта тозалаш корхоналаридан белгиланган дислокацияга асосан келтирилаётган техник пахта чигити ва ноанъанавий экин (соя, махсар ва кунгабоқар)лардан олинган донлар бўлиб қолади.

2019 йилда **70000** тонна техник чигитни ташиб келтириш, **10000** тонна кунгабоқар дони олиб келиш ва **455** тонна соя дони етиштириб қайта ишлаш режалаштирилмоқда. Бизнес режа бўйича ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш **51,4** фоизни ташкил этади.

Асосий ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар қуйидагилар:

Рафинацияланган пахта ёғи – **11686,1** тн

Шундан кадокланган ўсимлик ёғи – **8346,5** тн

Пахта шроти – **31500** тн

Пахта шелухаси – **21630** тн

Хўжалик совуни **70%, 65%** – **6000** тн

Юқоридаги барча маҳсулотлар ГОСТ меъёрлари талабларига мос ҳолда ишлаб чиқарилади ва биржа савдолари орқали сотилади.

II. 2019 йилга мўлжалланган молиявий режа.

1) Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг жами қиймати	196557000 минг.сум.
2) Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннари	151401640 минг.сум.
3) Давр харажатлари	27137000 минг.сум.
Бундан:	
- асосий фаолият фойдаси	18618360 минг.сум.
- молиявий фаолият бўйича харажатлар	1900000 минг.сум.
- жами умумхўжалик фаолиятнинг фойдаси	17188460 минг.сум.

2019 йилда 14094537,2 мингсум соф фойда режалаштирилди.

III. Бизнес режани амалга оширилишида кутилаётган натижалар.

Асосан «Ўзпахтасаноат» томонидан етказиб берилиши кўзда тутилган **70000 тонна** техник чигитни қайта ишлаб **13160 тонна** рафинацияланмаган ёғ, **11686,1 тонна** рафинацияланган ёғ, **6000 тонна** хужалик совуни, **31500 тонна** шрот ва **21630 тонна** шелуха ва маҳсулотлари ишлаб чиқариш режалаштирилган.

2019 йилда бизнес режада белгиланган соф фойдани олишни таъминлаш мақсадида ишлаб чиқаришдаги турли йукотишларни камайтириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, корхонанинг ишлаб чиқариш қувватларидан унумли фойдаланишни таъминлашга эришиш мақсадида техникавий-ташкилий тадбирлар дастури ишлаб чиқилди ва бу мақсадларни амалга ошириш учун етарли маблағ ажратилади.

Корхонанинг молиявий хужалик фаолияти 2019 йилда дебитор ва кредиторлик қарзларни камайтиришга, соф фойдани купайтириб таннархни камайтиришга ва корхонани техник қайта қурулантириш ва техник жихатдан модернизация тадбирларини амалга оширишга қаратилади.

Шунингдек асосий эътибор Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17-январдаги “Мамлакат иқтисодиётининг тармоқларини талаб юқори бўлган маҳсулот ва хом ашё турлари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-3479 ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19-январдаги “Ёғ-мой тармоғини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-3484 Қарорлари ижросини таъминлашга қаратилади.

Хукуматимиз томонидан чиқарилаётган қарорлар ижросини таъминлаш мақсадида белгиланган хомийлик ёрдам пулларини ўтказиш, шаҳримиздаги кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, шаҳарни ободонлаштириш, шунингдек вилоятнинг бошқа ўзига хос муаммоларини ҳал этишда ва “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари ижросини таъминлашга ёрдам кўрсатиш кўзда тутилмоқда.

Корхона ишчи хизматчиларининг ишлаш ва дам олишлари учун яхши шароит яратиш, ойлик иш ҳақларини ҳукумат қарорларига мутаносиб равишда ошириб бориш, уларни иқтисодий қўллаб-қувватлаш, саломатликларини тиклашга кўмаклашиш, санаторияларга йуланмалар билан таъминлаш режалаштирилмоқда.

2019 йил бизнес режасида жамият буйича белгиланган ишлаб чиқариш режаларини бажарилишини таъминлаш, натижада салмоқли соф фойда олиш, бюджет олдидаги солиқларни ўз вақтида тўлашни амалга ошириш каби тадбирлар мажмуаси бизнес режага киритилди.

Махсулот ишлаб чиқариш истиқбол дастури

**2017-2018 йилларда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва
2019 йил учун дастур**

№	Курсаткичларнинг номи	Ўлч бир.	2017 Йил	2018 йил кутилади	2019 йил дастури	2018 йилга Нисбатан	
1	Қайта ишлаш:	тн	82055	66597	80455	120,8	+13858
	чигит	тн	81367	64500	70000		
	махсар	тн	605	217			
	кунгабокар	тн	73	1500	10000		
	соя		10	380	455		
2	Қора ёғ ишлаб чиқариш	тн	15605	12814,4	17037	132,9	4222,6
	пахта	тн	15431	12126	13160		
	махсар	тн	152	54			
	кунгабокар	тн	20	570	3800		
	соя		2	64,4	77		
3	Тозаланган ёғ ишлаб чиқариш	тн	13920,6	11387,6	15175,4	133,3	3787,8
	пахта	тн	13764	10768	11686,1		
	махсар	тн	137	48,6			
	кунгабокар	тн	18	513	3420		
	соя		1,6	58	69,3		
4	Дезодорация килинган ёғ ишлаб чиқариш	тн	7231,5	6263	8346,5	133,2	2083,5
5	Кадокланган ёғ ишлаб чиқариш	тн	6766,1	6263	8346,5	133,2	2083,5
6	Хужалик совуни ишлаб чиқариш	тн	5130	5130	6000	117,0	870
7	Шрот-жами	тн	37294,3	30321	37548	123,8	7227
	пахта	тн	36816	29025	31500		
	махсар	тн	423,8	150			
	кунгабокар	тн	47,1	855	5700		
	соя	тн	7,4	291	348		
8	Шелуха	тн	25173	19930	21945	108,5	1700

"Каттакўрғон ёғ-мой"

акциядорлик жамияти бошқарув раиси :

У.О.Эсанов

**Бизнесни ривожлантириш ва стратегик
режалаштириш бўлими бошлиғи:**

С.Джумаев

"Каттакургон ёг-мой" акциядорлик жамияти буйича 2019 йилга белгиланган ишлаб чиқариш истикбол режаси.

	Ўлчов бир.	2019 йил режа				
		I-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак	Йиллик
Ялпи маҳсулот	Сумм					
Халқ истеъмол моллари	Сумм					
Техник чигит кайта ишлаш	Тн	19000	15000	5000	31000	70000
Кора ёг ишлаб чиқариш	Тн	3572	2820	940	5828	13160
Рафинацияга берилган ёг	Тн	3572	2820	940	5828	13160
Рафинацияланган ёг жами:	Тн	3172	2504	835	5175	11686
Жумладан:						
Пресс ёғи	Тн	2220	1753	585	3622	8180
Экстракция ёғи	Тн	952	751	250	1553	3506
Дезодорация ёғи	Тн	2265	1789	596	3696	8346
Кадокланган ёг	Тн	2265	1789	596	3696	8346
Шрот ишлаб чиқариш	Тн	8550	6750	2250	13950	31500
Шелуха ишлаб чиқариш	Тн	5957	4702	1567	9719	21945
Соапсток ишлаб чиқариш	Тн	329	259	86	537	1211
Совун	Тн	2025	1000	400	2575	6000
ДЖК ишлаб чиқариш	Тн	563	287	112	913	1875
Ноананавий ёғли экинлар дони	Тн	-	-	10455	-	10455
Кора ёг ишлаб чиқариш	Тн	-	-	3877	-	3877
Рафинацияга берилган ёг	Тн	-	-	3877	-	3877
Рафинацияланган ёг жами	Тн	-	-	3489,3	-	3489,3
Жумладан: форпрес ёғи	Тн	-	-	2442,5	-	2442,5
Экстракция ёғи	Тн	-	-	1046,8	-	1046,8
Шрот ишлаб чиқариш	Тн	-	-	6048	-	6048
Соапсток ишлаб чиқариш	Тн	-	-	349	-	349
Кора ёг чиқиши	%	18,80	18,80	18,80	18,80	18,80
Шрот чиқиши	%	45,00	45,00	45,00	45,00	45,00
Шелуханинг чиқиши	%	31,35	31,35	31,35	31,35	31,35
Табиий йукотиш	%	4,85	4,85	4,85	4,85	4,85
Табиий йукотиш	Тн	922	727	242	1504	3395
Тозаланган ёг чиқиши	%	88,8	88,8	88,8	88,8	88,8
Соапсток чиқиши	%	9,2	9,2	9,2	9,2	9,2
Кайтарилмайдиган йукотиш	%	2,0	2,0	2,0	2,0	2,0
Кайтарилмайдиган йукотиш	Тн	71	56	19	117	263

Изоҳ : Бизнес режада кора ёғнинг чиқиши 18,8 %, Рафинацияланган ёғнинг чиқиши 88,8 % қилиб белгиланди.

"Каттакўргон ёг-мой"
акциядорлик жамияти бошқарув раиси :

У.О.Эсанов

**Бизнесни ривожлантириш ва стратегик
режалаштириш бўлими бошлиғи:**

С.Джумаев

**"Каттақўргон ёғ-мой" акциядорлик жамиятида 2019 йилга белгиланган
маъмурий- бошқарув ходимлари, ишчи-хизмачиларининг сони ва иш
хаки**

РЕЖАСИ

№	Курсаткичлар номи	Улчов бирлиги	2019 йил
1	Умумий сони	киши	734
2	Ишлаб чиқаришга қарашли бўлган ишловчилар сони	киши	662
3	Ишлаб чиқаришга тегишли бўлмаган ишловчилар сони	киши	72
4	Умумий иш ҳаки	минг сум	14319830
5	Ишлаб чиқаришда ходимлар иш ҳаки	минг сум	13174244
6	Ишлаб чиқаришга тегишли бўлмаган ишловчилар иш ҳаки	минг сум	1145586
7	1-кишини умумий ўртача иш ҳаки	сум	1625775
8	Ишлаб чиқаришда 1-ҳодимнинг ўртача иш ҳаки	сум	1658389
9	Ишлаб чиқаришга тегишли бўлмаган 1-кишини ўртача иш ҳаки	сум	1325909
10	Ялпи маҳсулот	минг сум	196559598
11	Меҳнат унумдорлиги	минг сум	267792

Изоҳ: 2019 йил давомида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонларига мувофиқ равишда иш ҳаки фонди ошириб борилади.

"Каттақўргон ёғ-мой"
акциядорлик жамияти бошқарув раиси :

Бош ҳисобчи в.в.б:

**Бизнесни ривожлантириш ва стратегик
режалаштириш бўлими бошлиғи:**

У.О.Эсанов

Б.Муртазаев

С.Джумаев